Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 25 сентябрь, № 206 (7986) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# САМАРҚАНД ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗНИНГ ДУРДОНАСИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 24 сентябрь куни Самарқанд вилоятида бўлди.**

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ҳазрати Хизр мажмуига ташриф буюриб, Ислом Каримов мақбарасини зиёрат қилди.

Биринчи Президентимиз қабрига гул қўйилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Самарқанд ёшлар марказида вилоят сайловчилари билан учрашди.

Учрашув якунлангач, Президентимиз Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасида амалга оширилаётган қурилиш жараёнлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 апрель куни Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида янги лойиҳа асосида мазкур мажмуани қайта қуриш ишлари бошланган эди. Президентимиз қурилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, бу ерда маҳаллий ва хорижлик зиёратчилар учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳридаги Шарқ тонги маҳалласида бўлди. У ерда қарийб 3 минг аҳоли истиқомат қилади. Оилалар, асосан, тадбиркорлик ва ҳунармандчилик билан шуғулланади.

Давлатимиз раҳбари шу маҳаллада яшовчи Абдунаби Абдунасимов хонадонига кириб, яшаш шароитлари, фикрлари билан қизиқди.

Абдунаби ота соғлиқни сақлаш соҳасида ишлаб, нафақага чиққан. Турмуш ўртоғи Гулчеҳра ая билан беш фарзандни тарбиялаб вояга етказган. Айни пайтда фарзандлари, набира ва эваралари эъзозида яшамоқда.

Меҳнат фахрийлари оила ҳаёти, кечаги ва бугунги кунлар фарқи ҳақида сўзлаб берди.

— Илгари давлат, жамият, инсон деган тамойил бор эди. Биз энди инсон, жамият, давлат деяпмиз. Инсон қадрини биринчи ўринга қўяяпмиз. Ҳамма ижро органлари, иқтисодий комплекс қуйи тизимга тушиб, одамларга кўмакчи бўлади. Шу билан бирга, инсоннинг ўзи ҳам ҳаракат қилиши, шароитлардан унумли фойдаланиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хонадондан чиққанда нуронийлар, маҳалла фаоллари билан самимий суҳбат бўлди. Улар мамлакатимиздаги, иқтисодиёт тармоқларидаги ўзгаришлар ҳар бир шаҳар ва туманда сезилаётгани ҳақида гапирди.

— Охирги йиллардаги ҳаракатларимиз туфайли ҳокимликларда маҳаллий бюджет пайдо бўлди. Бу йўқ эди, — деди Президент. — Энди маҳаллаларда бюджет ташкил қилишни режалаштирганмиз. Тасаввур қилинглар, ўзининг пули бўлса, маҳалла қандай ўзгаради — йўлини тўғрилайди, сув олиб келади, шохобча очади. Келгусида маҳаллага пул ҳам киради, талаб ҳам бошқача бўлади.

Нуронийлар юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилаб дуо қилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи якунига етди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбирлари.**

24 OKTABR 2021-YIL O'ZBEKISTON PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Баҳром Абдуҳалимовнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган устувор йўналишларга оид мақоласи чоп этиляпти.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

**2-саҳифага қаранг.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ВЕЛОСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–6099-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, аҳоли ўртасида велоспорт турларининг оммавийлигини ошириш, улар бўйича миллий терма жамоаларимизнинг Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида, жаҳон чемпионатларида ва бошқа йирик мусобақаларда муносиб иштирок этиши ва юқори натижаларга эришишини таъминлаш мақсадида:

1. **Велоспорт турларини 2021-2022 йилларда ривожлантириш дастури** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари **ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар** Дастурнинг ижроси бўйича маълумотларни Туризм ва спорт вазирлигига тақдим этсин.

Туризм ва спорт вазирлиги **ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар** Дастур ва мазкур қарорнинг ижроси бўйича умумлаштирилган маълумотлар ҳамда таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. **Қуйидагилар 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ташкил этилсин**:

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Мухбир кўчаси, 12-уй манзилида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Туризм ва спорт вазирлиги тизимига кирадиган **Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати**;

қўшимча **25 та** болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ҳамда спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида **велоспорт** турлари бўйича **бўлимлар**;

**Бухоро, Қарши, Навоий** ва **Термиз** олимпия захиралари коллежларида **велоспорт** турлари бўйича **бўлимлар**.

3. Белгилансинки:

Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати ўқувчиларининг **умумий контингенти 100 нафарни ташкил қилади**;

Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати ўқувчиларига **олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари учун белгиланган суткалик озиқ-овқат нормаси татбиқ этилади**;

Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернатига велоспорт турлари бўйича белгиланган синов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган **ўқувчилар 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили 5-синфга қабул қилинади**;

Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати раҳбарияти, тренерлари, спортчилари ва бошқа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш **Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон ва 276-сон ҳамда 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарорларига мувофиқ амалга оширилади**.

Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов) Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда:

икки ой муддатда Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати фаолиятини ташкил қилиш бўйича **Ҳукумат қарори** лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**(Давоми 3-бетда).**

Ялпи мажлис

# ҚОНУНЛАРНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ УЛАРНИНГ САМАРАЛИ ИЖРОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилиши кутилаётган бир неча қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Жумладан, қуйи палатада ҳар бир қонун лойиҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилаётгани, жараёнга соҳанинг мутахассислари ва экспертлари фаол жалб этилаётгани қонун ҳужжатларининг такомилга етишига йўл очмоқда.*



### Ижро ҳужжатлари мол-мулкка дахл қилмаган ҳолда бажарилади

Ялпи мажлисда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ҳужжат асосида "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунга жисмоний шахслардан маъмурий жарима, солиқ қарзи ва давлат божларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларининг ижросини таъминлашда соддалаштирилган ўзгартишлар киритиш таклиф қилинмоқда.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниши ва камайишига, таъминотчи корхоналарга ушбу жиноятлар натижасида етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишига олиб келади. Ўз навбатида, ижро ҳужжатлари фуқароларнинг мол-мулкига дахл қилмаган ҳамда уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир ва жавобгарлик чоралари қўлланмаган ҳолда ижро этилади.

Мажлисда депутатлар томонидан кўтарилган саволларга соҳа мутахассисларидан жавоб олиниб, мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

### Интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий ҳимоя қилинади

Бугунги кунда қонунчиликда интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланганлик, номулкий ҳуқуқларга дахл қилганлик учун жавобгарликнинг қатъийлаштирилмагани, маъмурий ва жиноий қонунчиликда умумий уйғунликнинг йўқлиги, белгиланган маъмурий жазони, айнан жаримани юридик шахснинг раҳбари мансабдор шахс сифатида тўлаб, бу каби ҳуқуқбузарликларни такрор давом эттираётганлик ҳолатлари учрамоқда.

Шу жиҳатдан, мажлисда "Интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

3

Халқаро конференция

## Экспертлар БРМга эришиш борасидаги ишларимизни юқори баҳолади

*Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университетида "Янги Ўзбекистоннинг Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ): ютуқлар ва истиқболлар" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.*

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамкорлигида ташкил этилди.

Эътиборлиси, унда асосий маърузачилар сифатида таниқли олимлар, давлат ва хусусий секторлар ҳамда халқаро агентликлар, идоралар ва таҳлил марказлари вакиллари қатнашди.

4

Сенат қўмиталарида

## ИСЛОҲОТЛАРГА ЯНГИЧА СУРЪАТ БЕРАДИГАН МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

*Яқинда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга янгича куч ва суръат беришга йўналтирилган қатор масалалар муҳокамаси режага киритилган. Шу кунларда бу масалалар парламент юқори палатаси қўмиталари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилмоқда.*

### Давлат бюджетининг биринчи ярим йилликдаги ижроси қандай?

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси мажлисида Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Сенатига киритилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил биринчи ярмидаги ижроси юзасидан Молия вазирлиги мутасаддилари ахборотлари тингланди.

Унда келтирилганидек, ҳисобот даврида республика иқтисодиёти 6,2 фоизга ўсиб, ЯИМ ҳажми 318,5 трлн. сўмни ташкил этган. Иқтисодий ўсиш саноатда — 8,5, қурилишда — 0,1, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида — 1,8, хизматларда 8,0 фоизга таъминланган. Инфляция даражаси йил бошидан 4,4 фоизни, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан эса 10,9 фоизни ташкил этган.

4



# АДОЛАТ — ҲАЁТИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Мамлакатимиз келажагига доир муҳим сиёсий жараёнда Президентликка номзод сифатида иштирок этиш фақат мен учун эмас, балки партиямиз учун ҳам катта синовдир.

Шу маънода айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг шу кунгача бўлган тараққиёти натижаларини умумлаштириб ва камчиликларини бартараф этиш учун билдирган таклифларимиз асосида Сайловолди дастуримизни ишлаб чиқдик. Бу дастур халқимизни ўйлантираётган ва ечимини кутаётган масалалар ўрин олгани билан ажралиб туради.

Сайловолди дастуримиз **“Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони”**, деган бош шиоримиз билан бошланади.

Биз мамлакатимиз тараққиётига ғов бўлаётган айрим тўсиқларни йўқотиш мақсадида яқин ва ўрта муддатли стратегик вазифаларни белгилаб олдик.



## БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ — адолатли жамият ва адолатпарвар давлат қуриш.

Депутатларнинг сайловчилар олдидаги масъулияти, ҳисобдорлигини ошириш, уларнинг фаолиятини халқ ҳаёти билан узвий боғлаш чораларини кўрамиз. Ишончни оқламаган депутатларни чақириб олишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқамиз.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини ишга қабул қилиш ва озод этишдаги, уларни жавобгарликка тортиш масаласидаги, ҳудуднинг кадрлар сиёсатига таъсир этишдаги ваколатларини кенгайтирамиз. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига танлов асосида ишга қабул қиламиз ва ходимлар сонини мақбуллаштирамиз.

Аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳити ва маданиятини шакллантириб, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига “Тоза қўллар” сиёсатини сингдирамиз, қонун устуворлигини таъминлаймиз.

Мансабдорларнинг ўз мавқеидан фойдаланган ҳолда ер майдонлари ва барча табиий ресурсларни тақсимлашига мутлақо чек қўямиз.

## ИККИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ — адолат ва қонун устуворлиги.

Биз адолатсиз жазо ва жарималарни қайта кўриб чиқамиз. Жарималар, биринчи навбатда, халқнинг реал даромадига мутаносиб бўлишини, шунингдек, жарималар ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб белгиланишини таъминлаймиз. Айрим жиноят турларига маънавий жазо чоралари қўллашни илгари сурамиз.

Прокуратура, адлия органлари ва суд ходимлари ўртасидаги ижтимоий тенгсизликни тугатамиз.

Ноҳақликнинг олдини олиш ва суд фаолияти сифатини ошириш мақсадида амалдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонунни такомиллаштириш орқали ягона юрисдикция судларини ташкил этиш жараёнини қуйи поғоналарга — туман (шаҳар) даражасига туширамиз.

Барча жазолар одил судлов органлари томонидан амалга оширилади. Ҳар қандай кўринишдаги “самосуд” учун қатъий жазо белгилаймиз.

Адвокатларнинг нуфузи ва мақомини янада кўтариб, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини кучайтирамиз. Бу борада амалдаги қонунлар ижроси юзасидан кучли ва самарали назорат ўрнатиб, суд жараёнида адвокатура ва прокуратура ҳуқуқлари тенглиги принципини таъминлаймиз. Судда ҳам, давлат идораларида ҳам кам таъминланган аҳоли манфаатларини ҳимоя қиладиган бепул давлат юридик ёрдами кўламини кенгайтирамиз.

Ижро билан боғлиқ барча ваколатларни ва жазони ижро этиш муассасаларини суриштирув ҳамда тергов ваколатига эга бўлмаган холис орган — адлия идоралари бошқарувига берамиз.

Дастлабки тергов устидан назоратни кучайтириш мақсадида, мамлакатда ягона тергов органи — Тергов қўмитасини ташкил этамиз.

## УЧИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ – ижтимоий адолатни қарор топтириш.

Меҳнат қонунчилиги устуворлигига эришамиз, ходимни эксплуатация қилишга қарши кескин курашамиз. Мамлакат ялпи аҳолисининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, ҳар бир инсонни бой қилиш чораларини кўрамиз. “Иш ҳақи минимуми”, “Яшаш минимуми” каби тушунчаларнинг қонуний асосларини яратамиз.

Уй-жойлар нархини кескин камайтирамиз. Ҳаммабоп ва ҳамёнбоп уйлар ижтимоий ҳимоянинг муҳим шартидир. Шу маънода, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини муниципал уйлар билан таъминлаймиз.

Мамлакатимизда ва чет элда ишлаётган ёлланма ва мавсумий ишчиларга кенг шароитлар яратиб берамиз, уларнинг меҳнати қадрланишини ва муҳофаза қилинишини, ишлаган меҳнатига яраша ҳақ олишини, меҳнат стажига қўшилишини ва келажакда муносиб пенсия олишини кафолатлаб берамиз.

Пенсиядаги юқори чекловларни бекор қиламиз ва ҳар кимнинг меҳнатига, олган маошига, ижтимоий тўловларига яраша пенсия таъминотини йўлга қўямиз.

Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича “Инқирозга қарши кураш — 2030” дастурини ишлаб чиқамиз.

> **Биз бозорни бошқариш, тартибга солиб туриш зарур, деб биламиз ҳамда “рақобат — мумкин қадар, давлат бошқаруви — зарурат қадар” тамойилини ҳаётга татбиқ этиш тарафдоримиз.**
>
> **Аҳолининг катта қисми яшаётган қишлоқ ҳаётини тубдан янгилаймиз, куз-қиш мавсумида ҳар бир қишлоқда узлуксиз ва эҳтиёжни тўлиқ таъминлайдиган даражада табиий газ ва электр энергияси етказадиган тизимни жорий қиламиз.**
>
> **Адолатли ва рақобатдош тадбиркорлик фаолиятини жорий қиламиз. Монополиянинг ҳар қандай кўринишига чек қўямиз. Хусусан, “УзАвтоМоторс” АЖга берилган имтиёзлар ва автомобиллар импортига белгиланган божхона тўловларини ҳар йили 15 фоиздан камайтириб, очиқ рақобатга ўтишини, божхона тушумларининг камайиши эса тўланадиган солиқлар билан қопланишини таъминлаймиз.**

## ТЎРТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ — таълим соҳасида адолат устуворлигини таъминлаш.

Болаларни мактабгача таълим ташкилотларига ҳозиргидек 3 ёшдан эмас, 2 ёшдан бошлаб, ҳеч қандай навбатларсиз, юз фоиз қамраб олиб, давлат мактабгача таълим тизимини тўлиқ бепул қиламиз.

Ўқитувчилар обрў-эътибори ва ҳуқуқий мақомини янада кўтариш, уларнинг иш ҳақи ва ижтимоий мавқеини ошириш мақсадида “Ўқитувчининг мақоми тўғрисида” қонун қабул қиламиз.

Умумтаълим мактаблари учун дарсликларнинг янги, замонавий авлодини яратиш учун Дарсликлар бўйича илмий-тадқиқот институтини ташкил қиламиз.

Кам таъминланган иқтидорли ёшларнинг давлат ҳисобидан олий таълим олишини кафолатлаймиз. Жамиятдаги ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир инсонга олий маълумот олиш имкониятини яратамиз.

Биз олий таълим квоталарини бутунлай йўқ қиламиз ва ҳар кимга олий таълим олиш ҳуқуқи эркинлигини ҳамда рейтинги юқори бўлган талабаларнинг бепул олий таълим олишини кафолатлаймиз. Олий маълумотлилар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш, сиртқи, кечки ва масофавий таълим шаклини янада кенг жорий этиш чораларини кўрамиз.

Олий таълим тизимига рейтинг амалиётини киритамиз ва йил якунлари бўйича энг юқори рейтингга эга бўлган талабаларни грант асосида, рейтинги паст бўла туриб грантда ўқийдиган талабаларни контракт асосида ўқиш учун рўйхатларни қайта кўриб чиқиш тартибини ўрнатамиз.

Мактабгача таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларини ягона — Таълим вазирлигига айлантирамиз.

> **Биз олий таълим квоталарини бутунлай йўқ қиламиз ва ҳар кимга олий таълим олиш ҳуқуқи эркинлигини ҳамда рейтинги юқори бўлган талабаларнинг бепул олий таълим олишини кафолатлаймиз. Олий маълумотлилар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш, сиртқи, кечки ва масофавий таълим шаклини янада кенг жорий этиш чораларини кўрамиз.**
>
> **Олий таълим тизимига рейтинг амалиётини киритамиз ва йил якунлари бўйича энг юқори рейтингга эга бўлган талабаларни грант асосида, рейтинги паст бўла туриб грантда ўқийдиган талабаларни контракт асосида ўқиш учун рўйхатларни қайта кўриб чиқиш тартибини ўрнатамиз.**

## БЕШИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ — илм-фан — адолат ва тараққиёт омили.

Таълим ва илм-фан билан шуғулланувчиларга бепул уй-жой таклиф қиламиз. Илм-фанни молиялаштиришга сарфланадиган маблағни сезиларли ошириб, Давлат бюджетидан молиялаштиришни босқичма-босқич таъминлаймиз.

Олимларни, ихтирочиларни қўллаб-қувватлаймиз, рағбатлантирамиз, уларга зарур шароитларни яратамиз. Иқтисодиётнинг ҳақиқий локомотиви бўлган инженер, технолог, агроном-механизатор каби мутахассислар сонини кўпайтирамиз ва малакасини оширамиз.

Мамлакатда “Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш — 2030” концепциясини ва манзилли дастурлар ишлаб чиқамиз. Бунда алоҳида эътиборни Картахена протоколининг амалга оширилишига ва ген муҳандислик усуллари ёрдамида ўзгартирилган организм маҳсулотларини яратиш ва фойдаланиш тамойилларига қаратамиз.

## ОЛТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ – аҳоли саломатлиги.

Аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш механизмини қўллаймиз, замонавий технология ва даволаш усулларидан кенг фойдаланамиз.

“Ақлли тиббиёт” тизимини шакллантириб, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича Миллий дастур қабул қиламиз.

Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодекси лойиҳасини янада такомиллаштириб, аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлишини таъминлаймиз.

“Тиббиёт ходими” мақомини белгилаймиз, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ва турли тазйиқларнинг олдини олиш мақсадида мавжуд ҳуқуқий базани янада такомиллаштирамиз.

Репродуктив саломатлик масаласи, онкология, сил, қанд касалликларининг олдини олиш ва тўлиқ давлат ҳисобидан даволаш алоҳида диққат-эътиборимизда бўлади.

Давлат томонидан бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхати қайта шакллантирилиб, улар билан аҳолини кафолатли таъминлаш тизимини босқичма-босқич йўлга қўямиз. Бу мақсадда дориларнинг ягона электрон базаси тизимини шакллантириб, дори-дармон спекуляциясига, дориларнинг нархи асоссиз оширилишига чек қўямиз!

Қишлоқда ва таълим тизимида тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарамиз. Болалар орасида кенг тарқалаётган ва уларнинг соғлом ривожланишига тўсиқ бўладиган ясситовонлик, сколиоз, тиш касалликларига биринчи ва ўта муҳим масала сифатида қараймиз.

## ЕТТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ — аёл — муқаддас, оила — жамият асоси.

Репродуктив саломатлик ва оиланинг демографик ривожланишини барқарор таъминлаш мақсадида, “Соғлом оила — соғлом жамият” концептуал ғоясини амалга оширамиз.

Ижтимоий адолатни қарор топтиришда партия ўз олдига хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ташкил этишни мақсад қилиб олган.

Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойлардаги қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Барча бўғиндаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида хотин-қизлар вакилларини кўпайтирамиз.

## САККИЗИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ — юқори маънавият билан адолат сари.

Жамиятда соғлом фикр ҳамда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқамиз.

“Адолат” СДП давлат барча маданий, тарихий ва табиат ёдгорликларини рўйхатдан ўтказиши ва сақлаши, уларга маблағ ажратишини шарт, деб ҳисоблайди ҳамда қадриятларимизга асосланган “Жамиятда юриш-туриш одоб-ахлоқ қоидалари”ни яратиш ва жорий этишни илгари суради.

Ўзбекистонда адолатли жамият ва адолатпарвар давлат барпо этиш жараёнлари, бунёдкор халқимиз ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш, халқимиз, ёшларимизнинг руҳий дунёсини издан чиқаришга қаратилган турли бузғунчи кучлар, маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларининг олдини олишда маънавий хавфсизликни таъминлашнинг қонуний асосларини яратамиз.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ — самарали иқтисодиёт — тараққиёт омили.

Рақобатни кучайтириш орқали монополияга барҳам берамиз. Буюртмачи ва етказиб берувчи ўртасида тузиладиган шартномани ҳуқуқий воситага айлантирамиз ва бу жараёнга ҳокимият аралашувига чек қўямиз. Ҳар қандай низо суд қарори билан ечим топади.

Биз бозорни бошқариш, тартибга солиб туриш зарур, деб биламиз ҳамда “рақобат — мумкин қадар, давлат бошқаруви — зарурат қадар” тамойилини ҳаётга татбиқ этиш тарафдоримиз.

Аҳолининг катта қисми яшаётган қишлоқ ҳаётини тубдан янгилаймиз, куз-қиш мавсумида ҳар бир қишлоқда узлуксиз ва эҳтиёжни тўлиқ таъминлайдиган даражада табиий газ ва электр энергияси етказадиган тизимни жорий қиламиз.

Адолатли ва рақобатдош тадбиркорлик фаолиятини жорий қиламиз. Монополиянинг ҳар қандай кўринишига чек қўямиз. Хусусан, “УзАвтоМоторс” АЖга берилган имтиёзлар ва автомобиллар импортига белгиланган божхона тўловларини ҳар йили 15 фоиздан камайтириб, очиқ рақобатга ўтишини, божхона тушумларининг камайиши эса тўланадиган солиқлар билан қопланишини таъминлаймиз.

Декларациялар топшириш тизимини янада такомиллаштириб ҳаётга чуқурроқ интеграция қиламиз. Барча даромад олувчилар декларация топширишига қаратилган сиёсатни олиб бориш билан бирга, катта миқдордаги харажатларни ҳам декларациялаш тамойилларини жорий қиламиз.

Янгича саноат сиёсатини юритамиз.

Ялпи ички маҳсулотда кичик ва ўрта бизнес улушини кескин оширамиз.

Тадбиркорларга қонуний имконият ва имтиёзлар берамиз. Маҳсулот сифатини қатъий давлат назоратига оламиз, аниқ стандартлар жорий этиб, сифатсиз маҳсулот чиқариш ҳамда нарх-наволарни сунъий кўтаришга қаратилган хатти-ҳаракатлар учун кучайтирилган жазо чораларини қўллаймиз.

“Рақамли иқтисодиётда аҳоли бандлигини таъминлаш концепцияси — 2030” дастурини ишлаб чиқишни таклиф қиламиз.

Иқтисодий соҳада республикамизда олиб борилаётган макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаб, иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириб, бюджет ҳамда миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаб, банк ва суғурта тизимларини янада мустаҳкамлаймиз.

Адолатли ва самарали солиқ ҳамда бюджет сиёсатини амалга оширамиз.

Ижтимоий тенглик ўрнатиш мақсадида қимматбаҳо буюмларга солиқ ва катта майдондаги ер ва кўчмас мулк учун прогрессив солиқларни жорий этамиз.

Ундириладиган барча тўловларни (жарималар, давлат божлари, йиғимлар ва бошқа мажбурий ундирувлар) тўлалигича Давлат бюджетига йўналтирамиз. Барча даражадаги давлат ташкилотларининг турли махсус жамғармаларини бекор қилиб, Давлат бюджетига тушишини таъминлаймиз.

## ЎНИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ – тинчликсевар, адолатли ва прогрессив ташқи сиёсат.

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграциясини янада чуқурлаштириш, узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар билан икки томонлама манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирокини янада кенгайтирамиз.

Ҳеч қандай ҳарбий блокларга ва коалицияларга қўшилмаслик, ҳарбий мақсадларни назарда тутувчи ҳаракат ва ташкилотлар билан алоқа ўрнатмаслик, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳамкорликка йўналтирилган сиёсат олиб борамиз.

Яқин қўшниларимиз билан очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш руҳидаги алоқаларни янада кенгайтиришга қаратилган сиёсатни олиб борамиз.

Мақсадимиз ҳаммамиз учун азиз ва мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлаш.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси эркин, адолатли, тинч ва фаровон яшашга ҳақлидир!

**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,**
**«Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Президентлигига номзод.**

**ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД БАҲРОМ АБДУҲАЛИМОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ВЕЛОСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**2022/2023 ўқув йилига қадар** мазкур қарорнинг 2-бандига мувофиқ Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати, болалар-ўсмирлар спорт мактабларида, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ҳамда олимпия захиралари коллежларида **велоспорт** турлари бўйича **бўлимлар ташкил қилиниши,** уларнинг тўлиқ ҳажмда зарур спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкаси билан таъминланиши чораларини кўрсин.

4. Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон велоспорт федерациясининг 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, барча олимпия захиралари коллежларида велоспорт турлари бўйича амалдаги ўқишга қабул қилишнинг **давлат буюртмаси параметрларини босқичма-босқич ошириб бориш**;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус ва Фарғона филиалларида **велоспорт турлари бўйича бакалавриат таълим йўналишини очиш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2022/2023 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришда ушбу бандда белгиланган вазифаларни инобатга олсин.

5. Ўзбекистон велоспорт федерацияси ҳузурида **Ўзбекистон профессионал велосипедчилар спорт клуби** (кейинги ўринларда — Клуб) ташкил қилинсин.

Белгилансинки:

**а)** қуйидагилар Клубнинг **асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари** ҳисобланади:

**велоспортнинг барча турлари** бўйича нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиш орқали Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни **қўлга киритиш**;

республика барча ҳудудларида **велоспорт турларини жадал ривожлантириш** бўйича барча зарур чораларни кўриш;

велоспорт турлари бўйича **хусусий клубларни халқаро мусобақаларда иштирок этишга жалб қилиш**, уларга ташкилий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

халқаро мусобақалар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали умумжаҳон **"Nation Brands" халқаро рейтингида "Uzbekistan" миллий брендининг рейтинг поғоналаридаги ўрнини юқори кўтариш**да иштирок этиш;

**б)** қуйидагилар Клуб **фаолиятини молиялаштириш манбалари** ҳисобланади:

Давлат бюджетидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;

Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

хўжалик фаолиятини амалга оширишдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, норезидентларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади;

**в)** Марказий банкнинг рухсати билан Клубга **чет элдаги ваколатхоналари учун банк ҳисоб рақамларига эга бўлиш**ига рухсат берилади;

**г)** Клубнинг чет элдаги ваколатхоналари банк ҳисоб рақамларининг юритилишига оид қуйидагича тартиб белгиланади:

чет элдаги ваколатхоналар билан ҳисоб-китоблар хорижий давлатларнинг миллий валютасида ва эркин конвертация қилинадиган валютада амалга оширилади;

хизмат кўрсатувчи тижорат банки Клуб талабномасида кўрсатилган миқдордаги эркин валюта маблағларининг унинг чет элдаги ваколатхоналари ҳисоб рақамларига ўтказилишини таъминлайди;

Клубнинг чет элдаги ваколатхоналари томонидан амалга ошириладиган сарф-харажатлар Клуб томонидан тасдиқланган харажатлар сметаси асосида юритилади;

**д)** Адлия вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон велоспорт федерацияси талабномасига мувофиқ, Европа, Осиё давлатларида ҳамда бошқа хорижий давлатларда Клубнинг алоҳида бўлимларини очиш билан боғлиқ, шунингдек, уни қайта рўйхатдан ўтказиш масалаларида Ўзбекистон велоспорт федерациясига амалий ва ташкилий ёрдам кўрсатади.

Туризм ва спорт вазирлиги Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда Клуб фаолиятини тўлиқ ва самарали йўлга қўйсин, велоспорт турлари бўйича миллий терма жамоа аъзоларининг халқаро мусобақаларда иштирок этишларини таъминласин, Клубнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун уни белгиланган тартибда инвентарлар, спорт кийимлари, озуқа ва озуқа қўшимчалари, витаминлар, ускуналар, материаллар, зарур тиббий воситалар билан таъминласин.

6. **Велоспортни ривожлантириш бўйича республика кенгаши** (кейинги ўринларда — Кенгаш) **ташкил қилинсин** ва унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин**:

иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал велоспортчилар сифатида тайёрлаш ишларини самарали ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш;

ҳудудларда велоспорт инфратузилмасини барпо этиш ва кенгайтириш бўйича инвестиция ва грант маблағларини жалб қилиш, бошқа зарур чора-тадбирларни белгилаш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш;

велоспорт турларини таълим муассасалари, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, оммалаштириш, аҳолининг ушбу спорт турига қизиқишини оширишга кўмаклашиш;

велоспорт турлари бўйича мусобақалар ва веломарафонларни ўтказишга кўмаклашиш, ушбу йўналишда халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари, жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, норезидентларнинг ҳомийлик хайрияларини жалб қилиш;

велосипед ҳаракатини ривожлантириш мақсадида ижтимоий-иқтисодий шароитларни яхшилашга ҳамда юқори спорт натижаларига эришишни таъминлашга қаратилган янги қонунчилик ташаббусларини илгари суриш ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш.

7. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 апрель куни қабул қилинган махсус резолюциясига мувофиқ **3 июнь Бутунжаҳон велосипед куни** этиб эълон қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **ҳар йили 3 июнь куни** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аҳолининг турли қатламларини жалб қилиш орқали узунлиги 15 — 20 километрдан кам бўлмаган **веломарафонлар ташкил қилинади**.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризм ва спорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон велоспорт федерацияси ҳар йили 1 майга қадар **веломарафонларни** ташкил қилиш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича **дастурларни ишлаб чиқсин** ва уларда қуйидагиларни назарда тутсин:

веломарафонларни ўтказишнинг аниқ **жойлари ва маршрутларини** белгилаш;

веломарафонларни ўтказиш жойларида **велосипедларни ижарага олиш (байкшеринг)** имкониятларини яратиш;

веломарафонлар ўтказишнинг жойлари ва маршрутлари бўйлаб **йўл хавфсизлигини** таъминлаш;

фуқаролар, шу жумладан, транспорт воситалари ҳайдовчиларини веломарафонлар ўтказиш **жойлари ва маршрутлари** тўғрисида олдиндан хабардор қилиш, **транспорт тирбандликларининг** олдини олиш;

веломарафонлар ғолиблари ва совриндорларини **қимматбаҳо совғалар** билан тақдирлаш;

веломарафонларда муваффақиятли қатнашган **иштирокчиларни профессионал велоспортга жалб қилиш**, уларни спорт-таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш;

оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда **веломарафонларни кенг ёритиш**;

велосипедни **оддий, қиммат бўлмаган, ишончли, экологик тоза ва мақбул транспорт тури** сифатида кенг тарғиб қилиш;

**3 июнь — Бутунжаҳон велосипед куни** тўғрисида ахборотни тарқатишга кўмаклашиш.

8. Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Ўзбекистон велоспорт федерациясининг 2022 йилдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда:

велоспортнинг **шоссе** (Road) ва **тоғ** (MTB) турлари бўйича **Тошкент** вилоятида **"Oqtosh-Chorvoq-Mountain"**, **Қорақалпоғистон** Республикаси ва **Самарқанд** вилоятида **"Save-Aral"** кўп кунлик халқаро велопойгаларини;

велоспортнинг **трек** (Track) тури бўйича Тошкент шаҳрида **"Silk-Road Tashkent"**, Наманган шаҳрида **"Silk-Road Namangan"** кўп кунлик халқаро велопойгаларини;

велоспортнинг **мотокросс** (BMX Racing) тури бўйича **Жиззах** вилоятида **"Zaamin-Cup"** халқаро велопойгасини;

велоспортнинг **фристайл** (BMX Freestyle) тури бўйича **Тошкент** шаҳрида **"Tashkent-Grand Prix"** халқаро мусобақасини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.Абдухакимов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Ўзбекистон велоспорт федерацияси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда ушбу бандда кўрсатилган велопойгалар ва халқаро мусобақага пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича **"йўл хариталари"ни тасдиқласин**. Бунда, велопойгалар ва халқаро мусобақани ўтказиш билан боғлиқ молиявий харажатларни қоплаш манбалари этиб ҳомийлик, маҳаллий бюджет ва бошқа маблағлар белгиланади;

велопойгалар ва халқаро мусобақада маҳаллий спортчилар билан биргаликда юқори рейтингга эга бўлган кучли халқаро спортчи, тренер ва ҳакамларнинг иштирокини таъминласин;

2022 йил 1 январдан бошлаб республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига велоспорт турлари бўйича мусобақалар ва турнирларнинг киритилишини таъминласин ҳамда уларни юқори даражада ўтказиш чораларини кўрсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Ж.Қўчқоров) Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов) ҳамда Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда қуйидагиларнинг **2022 йил ва келгуси йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилишини таъминласин**:

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳудудида велоспортнинг **шоссе** (Road) тури бўйича республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган **велошоссе спорт мажмуасини қуриш.** Бунда, мажмуа халқаро стандартларга жавоб берадиган 50 ўринли ётоқхона, 50 ўринли ошхона, тренажёр зали, тиббий пункт, велосипед таъмирлаш устахонаси, велосипедларни сақлаш хонаси, кийиниш ва ювиниш хоналари ва бошқа зарур инфратузилма объектларидан иборат бўлади, улар зарур замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланади;

Самарқанд вилояти Самарқанд тумани ҳудудида велоспортнинг **трек** (Track) тури бўйича республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган **ёпиқ турдаги велотрек спорт иншоотини қуриш**. Бунда, иншоот халқаро стандартларга жавоб берадиган 50 ўринли ётоқхона, 50 ўринли ошхона, тренажёр зали, тиббий пункт, велосипед таъмирлаш устахонаси, велосипедларни сақлаш хонаси, кийиниш ва ювиниш хоналари ва бошқа зарур инфратузилма объектларидан иборат бўлади, улар зарур замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланади;

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Мухбир кўчаси, 12-уй манзилида **Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати ва Ўзбекистон велоспорт федерацияси маъмурияти биносини барпо этиш**. Бунда, мактаб-интернат халқаро стандартларга жавоб берадиган 100 ўринли ётоқхона, 100 ўринли ошхона, 100 ўринли ўқув биносидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантиришда велоспорт бўйича нуфузли халқаро профессионал ва ҳаваскорлар ўртасида спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш мақсадида тегишли манзил ва участкадаги автомобиль йўлларини таъмирлаш бўйича Ўзбекистон велоспорт федерациясининг сўровномалари инобатга олинсин.

Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров) мазкур бандда кўрсатилган спорт объектларини **инновацион технологияларга асосланган, қиммат бўлмаган, энергия тежовчи ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказиш**ни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан доимий давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги (Д.Хидоятов) Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда "Чорвоқ" эркин туристик зонаси дирекцияси билан келишган ҳолда **жорий йил якунига қадар** велоспортнинг шоссе (Road) тури бўйича республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган велошоссе спорт иншоотини қуриш учун Тошкент вилояти **Бўстонлиқ тумани** ҳудудидан 0,5 га ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш чораларини кўрсин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.Турдимов) Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда **жорий йил якунига қадар** велоспортнинг трек (Track) тури бўйича республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган ёпиқ турдаги велотрек спорт иншоотини қуриш учун Самарқанд вилояти, **Самарқанд тумани** ҳудудида тегишли ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш чораларини кўрсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда:

маҳаллий бюджетлар даромадларининг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан Ўзбекистон велоспорт федерациясининг ҳудудий бўлинмалари учун **ҳар йили 40 донадан велосипед ажратсин**, шунингдек, велосипедчиларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида **2 тадан "Дамас" русумли автотранспорт воситаси** билан таъминласин;

Ўзбекистон велоспорт федерациясининг ҳудудий бўлинмалари тўлақонли фаолият юритиши учун зарур чораларни кўрсин, шу жумладан, уларнинг молиявий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашсин;

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва велоспортни оммалаштириш мақсадида туман (шаҳар) ва вилоят миқёсида **ҳаваскорлар ўртасида велопойгаларни** мунтазам **ташкил қилсин** ва ушбу мақсадлар учун тегишли **маҳаллий бюджетлардан маблағ йўналтирсин**;

ҳар бир ҳудудда ҳаваскор ва профессионал спортчилардан иборат бўлган велоспорт турлари бўйича **хусусий клубларни ташкил қилсин**.

11. Молия вазирлиги (Т.Ишметов):

**а)** мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни 2022 йилдан Давлат бюджети параметрларида назарда тутишни таъминласин;

**б) 2021 йилдан бошлаб** Ўзбекистон велоспорт федерацияси томонидан тақдим этилган асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ, тузилган шартномалар бўйича олинган мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда Клуб фаолиятини сақлаш, унинг моддий-техника базасини шакллантириш билан боғлиқ зарур маблағларни ҳар йили Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Давлат бюджетидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан:

2021 йил 1 октябрга қадар — **10 миллиард сўм**;

2022 йилдан бошлаб — ҳар йили зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

12. Спорт-таълим муассасалари, олий таълим муассасаларининг велоспорт турлари бўйича бўлимлар ва Клубнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб келинадиган, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкаси, озуқа ва озуқа қўшимчалари, витаминлар, ускуналар ва материаллар, велосипедларни ташишга мўлжалланган янги ва ишлаб чиқарилганлигига етти йил тўлмаган махсус автотранспорт воситалари ва тиркамалар **2024 йил 1 сентябрга қадар божхона божидан озод этилсин**.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "UzReport" ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид телерадиодастурлар, спортчиларнинг профессионал фаолияти ҳақида махсус кўрсатувлар, мақолалар ва видеороликлар тайёрласин, ўтказиладиган брифинг ва пресс-конференцияларни ёритиб борсин.

Кинематография агентлиги ёшларнинг велоспортга кириб келишидан бошлаб уларнинг юқори натижаларга эришиш йўли, нуфузли мусобақалардаги иштироки ва бугунги кундаги ҳаёти тўғрисида **қисқа метражли видеофильмлар тайёрланишини** таъминласин.

14. Миллий антидопинг агентлиги (Н.Турсунов) **бир ой муддатда** велоспорт бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи дастурни тасдиқласин ва уни амалга ошириш чораларини кўрсин:

спортчилар ва тренерларни **"шаффоф спорт"**га тарғиб қилиш;

саломатликни муҳофаза қилиш ва спортда фармакологик таъсирга эга дори препаратлари ва бошқа моддалардан тўғри фойдаланиш борасида спортчилар, тренерларнинг маданияти ва саводхонлигини ошириш тадбирларини ўтказиш;

спортчиларни антидопинг мавзуларига оид тегишли ўқув-ахборот материаллари ва турли **кўргазмали маълумотлар билан таъминлаш**;

спортчилар томонидан антидопинг қоидаларига қатъий риоя қилиниши устидан **самарали антидопинг назоратини амалга ошириш**.

15. Туризм ва спорт вазирлиги 2021 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон велоспорт федерациясини Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-"А" уй манзилида жойлашган бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш чораларини кўрсин.

16. Туризм ва спорт вазирлиги **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туризм ва спорт вазири ўринбосари **А.Қ.Каримов**, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси **Р.М.Шаабдурахманов**, Ўзбекистон велоспорт федерацияси раҳбарияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **А.А.Абдухакимов** ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси **А.А.Абдувахитов** зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **ҳар йили 1 январ**гача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 24 сентябрь

# ҚОНУНЛАРНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ УЛАРНИНГ САМАРАЛИ ИЖРОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ

1 Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида интеллектуал мулк объектларига оид қонунбузилиш ҳолатларини содир этганлик учун юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган молиявий санкциялар ва уларнинг қўлланилиш механизми, товар ва хизмат кўрсатиш белгиларининг фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилишига нисбатан қонунчиликдаги мавжуд чекловларнинг бекор бўлиши ўз ифодасини топган.

Қонун лойиҳасига интеллектуал мулк соҳасидаги айрим ҳуқуқ бузилиши ҳолатлари, хусусан, ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бузиш ҳамда ўзганинг товар ҳамда хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номи ёки фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун тегишли юридик шахсга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 200 бараваригача даражада молиявий санкция (жарима) қўлланилиши тўғрисидаги норма киритилмоқда.

Шу билан бирга, интеллектуал мулк объектларига эга бўлиш ривожланиш йўлига қадам қўйган миллий компаниялар, инновацион фаолият билан шуғулланувчи муассасалар учун ўзига хос нуфузни ва тан олинишни англатади. Айниқса, мамлакатга ўз товар белгиси ёки саноат намунаси билан кириш истагида бўлган чет эллик инвесторлар учун яхши маънодаги сигнал бўлади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

## Ёшлар ишлари агентлигининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланяпти

Депутатлар "Ёшлар билан ишлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолияти ҳуқуқий асосларини қонун ҳужжатларида мустаҳкамлашни назарда тутади. Лойиҳада бир қатор қонунларга қўшимчалар киритиш орқали агентликнинг тегишли соҳалар бўйича вазифа ва ваколатларини белгилаш кўзда тутилган.

Шу жиҳатдан лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш бўйича қизғин иш олиб борилди. Бунда агентлик фаолияти билан боғлиқ қонунчилик таҳлил қилиниб, сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар ва депутатларнинг таклифлари, мутахассис ва экспертларнинг тавсиялари ўрганилди. Натижада лойиҳа амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирилиб, келиб тушган таклифлар асосида 30 дан ортиқ тузатишлар киритилди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг билдирилган барча таклифлар инобатга олиниб, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

## Аризаларни кўриб чиқишда автоматлаштирилган тизим жорий этилади

Ялпи мажлисда халқ вакиллари "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда атрофлича кўриб чиқди.

Қонун лойиҳасига ерни хусусийлаштириш бўйича аризаларни топшириш ва кўриб чиқиш тартибини соддалаштиришга қаратилган янги нормалар киритиляпти. Яъни унда инсон омили таъсир қилмайдиган тарзда аризаларни топшириш ва кўриб чиқиш бўйича автоматлаштирилган тизим жорий этилиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида ижтимоий шериклик тўғрисидаги битимлар ва шартномаларни амалга ошириш, шунингдек, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун юридик шахсларга берилган ер участкалари деган янги нормалар ўз аксини топди.

Халқ вакилларининг таъкидлашича, лойиҳа кўчмас мулк бозорининг жадал ўсишига, аҳолининг кредитга лаёқатлилиги ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

## Давлат органлари билан муносабатга киришишда аниқ тартиб-таомиллар белгиланяпти

"Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан биринчи ўқишда муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасига киритилаётган янги нормалар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатга киришишда аниқ тартиб-таомилларни белгилашга, маъмурий тартиб-таомилларнинг ягона ва шаффоф механизми яратилишига, ушбу жараёнларда коррупциявий ҳолатлар юзага келишининг олдини олишга қаратилган.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда ҳуқуқий барқарорликни таъминлашга, фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлат органлари томонидан қабул қилинадиган маъмурий ҳужжатларга ҳурмат ва ишончини кучайтиришга ҳамда мамлакатимизнинг инвестициявий муҳитини яхшилашга хизмат қилади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Жарималар миқдори камайтирилмоқда

Мажлисда депутатлар ҳайдовчиларга қўшимча енгилликлар беришни назарда тутувчи "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Қонун лойиҳаси билан маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, бир нечта жарималар миқдори камайтирилмоқда. Хусусан, муддати ўтган суғурта полиси ёки суғурта полисида назарда тутилмаган шахс томонидан автотранспорт воситасини бошқарганлик учун белгиланадиган жарима миқдори икки бараварга, транспорт воситалари эгалари томонидан суғурта полисини олмаганлик учун жарима фуқаролар учун икки бараварга, мансабдор шахсларга эса учдан бир қисмга камайтирилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада йўловчиларни лицензиясиз ташиш билан шуғулланганлик учун жарима миқдори уч бараварга, паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жарималар миқдори икки баравардан кўпроққа камайтирилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Табиий офат натижасида зарар кўрган тадбиркорлар солиқлардан озод этилади

Депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Қонун лойиҳаси билан Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида фавқулодда ҳодиса оқибатида зарар кўрган балиқчилик, чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари 2020 йил 1 майдан 2022 йил 1 ноябрга қадар ер ва мол-мулк солиқларини тўлашдан озод этилиши белгиланяпти.

Шунингдек, лойиҳада Сурхондарё вилояти бўйича Бандихон, Қизириқ, Музработ ва Шеробод туманларида янгидан ташкил этган ҳолда шу ҳудудларда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик субъектларини 2024 йил 1 январга қадар ер солиғи, мол-мулк солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун даромад солиғини тўлашдан озод қилиш назарда тутилмоқда.

Қайд этилганидек, мамлакатимизнинг табиий офатлар натижасида катта зарар кўрган ҳудудлардаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда айрим ерлари шўрланган ҳудудларда яшовчи фуқароларга солиқ тўловларидан енгилликлар яратиб бериш орқали мазкур ҳудудда яшовчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга туртки бўлади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# Экспертлар БРМга эришиш борасидаги ишларимизни юқори баҳолади

1 Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳал қилиш халқаро ассоциацияси (SDSN) президенти профессор Жеффри Д. Сакс, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовска, Жаҳон банкининг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Марко Мантованелли, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев, Аделаида университети профессори Ричард Помфрет (Австралия), Дьюк университети профессори Чарлс Бекер (АҚШ)нинг чиқишлари, айниқса, иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди.

Конференцияда Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ислоҳотларнинг аҳамияти атрофлича муҳокама қилинди. Шу маънода, бу анжуман билим ва тажриба, илмий тадқиқотлар ва ривожланиш стратегиялари натижаларини алмашлаш ҳамда ўзаро ҳамкорлик учун “йўл хариталари”ни белгилаб олишда муҳим мулоқот майдони вазифасини ўтади, дейиш мумкин.

Айтилганидек, 2015 йил сентябрда Ўзбекистон 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича чора-тадбирларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини маълум қилиб, барқарор, қамровли ва изчил иқтисодий ўсиш, ижтимоий интеграция ва атроф-муҳит муҳофазаси, шунингдек, сайёрада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга кўмаклашиш мажбуриятини ўз зиммасига олган эди. Муҳими, бу борада юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, салмоқли ютуқ ва натижалар қўлга киритилмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори асосида кўламдор ишлар қилинаётир. Буни БРМдан келиб чиққан ҳолда, қашшоқлик ва очликни бутунлай йўқ қилиш, аҳоли ўртасида тенгсизликни камайтириш, соғлом турмуш тарзи, адолатли ва сифатли таълимни ҳамда бир умр давомида барча учун таълим олиш имконини яратиш, гендер тенгликни таъминлаш йўналишларида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қолаверса, изчил, кенг қамровли, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, барчани тўлиқ ва сермаҳсул иш билан таъминлаш, уй-жойга эга бўлиш ва “яшил иқтисодиёт”ни жорий этиш, экологик барқарорликни мустаҳкамлаш ва одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш масалалари ҳам доимий эътиборда бўлиб келяпти.

Конференция давомида ёшлар Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ижтимоий ва инновацион лойиҳаларга бағишланган тақдимотлари билан иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган изчил саъй-ҳаракатлар халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланди.

Тадбирда халқаро илмий ҳамжамият томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, хусусан, Марказий Осиё ва Ўзбекистон бўйича илмий тадқиқот ишлари, миллий барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва мониторинг қилишда ёшлар иштироки масаласи ҳам таҳлил этилди.

Шунингдек, анжуманда юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва улар таҳлилига бағишлаб инглиз тилида китоб тайёрланаётгани маълум қилинди ҳамда “БРМнинг ёш элчилари” дастури кўриб чиқилди.

**Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.**

# ХАЛҚАРО НОТАРИУСЛАР ИТТИФОҚИ ВАКИЛЛАРИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА БЎЛДИ

*Халқаро нотариуслар иттифоқи 1948 йил ташкил этилган ноҳукумат ташкилот бўлиб, ҳозирда унга лотин моделидаги 89 мамлакатнинг нотариат тизими аъзо ҳисобланади.*

## Ҳамкорлик

Иттифоқнинг асосий вазифаси дунё бўйлаб нотариал фаолиятни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш, нотариат соҳасидаги ҳуқуқни ўрганиш ва миллий қонунчиликни халқаро даражада уйғунлаштириш ҳисобланади. Иттифоқ аъзолигига кириш учун давлатларнинг нотариат тизими юқори стандартларга жавоб бериши талаб этилади.

Халқаро нотариуслар иттифоқига аъзо бўлишдан мақсад — миллий нотариат тизимини ислоҳ қилиш доирасида уни умумэътироф этилган халқаро стандартлар ҳамда лотин нотариат моделидаги давлатларнинг илғор тажрибаларини қўллаш чораларини кўришдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг Халқаро нотариуслар иттифоқининг Халқаро нотариал ҳамкорлик комиссияси президенти Р. Бок бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида сўнгги йилларда Ўзбекистонда нотариат соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида нотариатнинг фаол моделига ўтилгани, тўловларни ундиришда ягона биллинг тизими жорий этилгани, нотариусларни танлаш жараёнлари шаффоф ва очиқ тизимда амалга ошириб келинаётгани, нотариат тизимига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани ҳақида сўзлаб берилди.

Р. Бок учрашув ташкил қилинганлиги учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ислоҳотларни, хусусан, нотариат соҳасидаги ўзгаришларни юқори баҳолади.

Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Жаҳонгир Ширинов Қонунчилик палатаси фаолияти, ундаги сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларга енгиллик яратиш мақсадида нотариат соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Қайд этилганидек, нотариат соҳасини рақамлаштириш тобора такомиллашиб бормоқда. Ўтказилаётган ислоҳотлар туфайли нотариусларнинг аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифати кескин ошди. Замонавий технологиялар ёрдамида нотариал ҳаракатлар тез ва сифатли амалга оширилиши, онлайн мулоқотнинг йўлга қўйилиши, мурожаатларни масофадан қабул қилиш имконияти фуқароларни нотариуслар билан янада яқинлаштириб, ҳуқуқий хизмат сифати яхшиланишига олиб келди.

Конструктив ва ўзаро ишонч руҳида ўтган учрашув давомида томонлар лотин нотариал моделининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда мазкур моделни Ўзбекистон нотариат тизимига татбиқ қилиш истиқболлари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

# ИСЛОҲОТЛАРГА ЯНГИЧА СУРЪАТ БЕРАДИГАН МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

1 Юзага келган 4,4 трлн. сўм бюджет тақчиллиги халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан қопланган.

Мажлисда Давлат бюджети ижроси жараёнидаги йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Масалан, Давлат бюджетига соликдан қарздорлик йил бошидагига нисбатан 66,1 фоизга ошиб, 2 трлн. 781 млрд. сўмни ташкил этган. Маҳаллий бюджетларда солиқ қарздорлиги эса 2,8 трлн. сўм бўлиб, йил бошидагига нисбатан 1,1 трлн. сўмга кўпайган.

Тадбирда фуқаролар, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорларнинг тўловга қобилиятсизлигига доир муносабатларни тартибга солувчи “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонун ҳам кўрилди.

Қонун ишбилармонлик муҳити ҳамда Жаҳон банкининг ҳисоботидаги “Тўловга қобилиятсизликни ҳал этиш” кўрсаткичини яхшилаш билан боғлиқ меъёрларни ўз ичига олган бўлиб, амалдаги “банкротлик” атамаси “тўловга қобилиятсизлик” атамаси билан алмаштирилмоқда. Ҳужжатга нафақат якка тартибдаги тадбиркорлар, балки умуман, жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги амалиёти ҳам киритилган.

### Қатор масалалар юзасидан аниқ жавоб тақдим этилмаган

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида дастлаб “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, бу қонун орқали божхона фаолиятига доир ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро нормаларга уйғунлаштириш мақсад қилинган. Гап шундаки, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тавсиясига асосан, нақд валютанинг чегара пунктлари орқали кириб келишини назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган. Шундан келиб чиқиб, янги қонунда ана шу нарса акс эттирилмоқда.

Айни чоғда қонунда божхона органларига тақдим этилган қўшимча ҳуқуқлар, хусусан, божхона аудитини амалга ошириш ва ҳужжатларни текшириш, Давлат божхона қўмитаси раиси буйруғи асосида ўттиз ёшдан ошган фуқароларни божхона органларининг ихтисослаштирилган таркибий тузилмаларига хизматга қабул қилиш мумкинлигини белгиловчи нормалар қўшилмоқда.

Қонунчиликдаги мавжуд номувофиқликлар ва ноаниқликлар сабабли амалиётда учраётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонунга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мажлисда юртимизда автомобиль йўллари ҳамда сунъий иншоотлар ҳолати ва транспорт воситалари хавфсиз ҳаракатланишини таъминлашга оид қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Айтиб ўтилганидек, Ҳукуматдан парламент сўрови юзасидан тегишли жавоб келган бўлиб, айрим масалалар бўйича асосли жавоблар берилмаган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги қарорига илова қилинган “Автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифи”да автомобиль йўлини жорий таъмирлаш ишлари бажарилганидан сўнг унинг хизмат қилиш муддатига нисбатан талаб белгиланмагани ва бу ҳол жиддий муаммоларга сабаб бўлаётгани эътиборсиз қолдирилган.

Мажлисда “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари ҳам иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.

### Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш долзарб муаммолардан ҳисобланади

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида Оролбўйи ҳудудларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланишни камайтириш ва олдини олиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ахбороти эшитилди.

Айтиб ўтилганидек, суғориладиган ерларда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва сифатини оширишда ернинг мелиоратив ҳолати, сизот сувлари сатҳининг жойлашуви ва кафолатли сув таъминоти муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолат, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида янада муҳим. Негаки, ушбу ҳудудларда кучли ва ўрта даражада шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва уларнинг ҳосилдорлигини ошириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мисол учун Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалиги ерлари майдони 3,26 млн. гектар бўлиб, шундан 414,7 минг гектарида экин экилади. Ёмони, бу ҳудудда ерларнинг 1 минг гектари кучли, 183,6 минг гектари ўрта даражада шўрланган ва 43,6 минг гектарининг сув таъминоти паст даражада. Хоразм вилоятида ҳам бу борадаги кўрсаткич яхши эмас. Вилоятда қишлоқ хўжалиги ерлари 438,3 минг гектар бўлиб, шундан, 30 минг гектари кучли, 80,7 минг гектари ўрта ва 154,9 минг гектари кам даражада шўрланган.

Тизимда олиб борилган саъй-ҳаракатлар туфайли жорий йилнинг олти ойи давомида Қорақалпоғистон Республикасида 3,6 минг гектар майдонда сув таъминоти яхшиланган, 54,6 минг гектарининг ҳолати барқарор сақланишига ҳамда 15,5 минг гектар майдонда ер ости сувлари сатҳи 2 метргача пасайтирилишига эришилган. Хоразмда эса 11,5 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланган ҳамда 8 минг гектарининг ҳолати барқарор сақланган, 218,7 минг гектар майдонда ер ости сувлари сатҳи пасайтирилган.

Шу каби чора-тадбирларга қарамасдан, Қорақалпоғистоннинг Беруний, Шуманай, Тўрткўл, Тахтакўпир, Қўнғирот ва Элликқалъа ҳамда Хоразм вилоятининг Боғот, Гурлан, Хонқа ва Янгибозор туманларидаги катта майдонларда ер ости сувлари сатҳи 2 метрдан баландлигича қолаётганлиги, бу эса, ўз навбатида, экинларнинг қисман нобуд бўлиши, ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келаётгани сенаторлар томонидан кўрсатиб ўтилди.

### Битирувчилар бандлиги нечоғли таъминланяпти?

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашдаги долзарб муаммолар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлашда ҳукумат томонидан қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури лойиҳасини ҳар йили 1 декабрдан кечиктирмай Вазирлар Маҳкамасига киритиши белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу тартибга амал қилинмоқда.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб техникумлар ўқувчиларига амалиёт ўташ жойларини ташкил қилиш ҳамда келгусида ишга жойлашишлари учун 800 га яқин тармоқ корхона ва ташкилотларга бириктириш юзасидан ҳукумат қарори тайёрланган.

Ёшларда тадбиркорлик билим ва кўникмасини шакллантириш учун олий ва профессионал таълим муассасаларида Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, Туризмда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва Бизнесни ташкил этиш ва юритиш фанлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, 2019 — 2021 йилларда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари учун замонавий бинолар қуриш, ходимларни рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш учун талаб этиладиган харажатларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 24 млрд. 600 млн. сўм йўналтирилиб, 20 та замонавий хизмат кўрсатиш биноси ишга туширилди. Айни чоғда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида www.ish2.mehnat.uz бўш иш ўринлари базаси яратилган.

Мажлисда сенаторлар томонидан битирувчилар бандлигини таъминлаш билан боғлиқ тавсиялар ҳам берилди. Жумладан, олий ва профессионал таълим муассасалари битирувчиларини ўқув-ишлаб чиқариш амалиётига жалб қилиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, ривожланган давлатлар тажрибаси асосида хусусий секторда кадрларни ишга жойлаштириш бўйича субъектлар фаолиятини рағбатлантиришни йўлга қўйиш зарурлиги айтилди.

### Қонунчиликдаги фарзандликка олиш билан боғлиқ бўшлиқ тўлдирилади

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг мажлисида “Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Қонунчиликка кўра, қасддан содир этган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахслар вояга етмаганни фарзандликка олиши тақиқланган бўлиб, бу ижтимоий аҳамияти катта бўлмаган, унча оғир ва фарзандликка олишга тўсқинлик қилмайдиган жиноятлар учун ҳам татбиқ этилиб келинаётгани таъкидланди. Бу эса инсон ҳуқуқларининг чекланишига сабаб бўлаётир.

Шу билан бирга, бугунги кунда фарзандликка олиш истагида навбатда турганлар сони фарзандликка берилаётганларга нисбатан анча юқорилигича қолмоқда. Қолаверса, қонунчиликда фарзандликка олиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ бўшлиқлар ҳамон мавжуд.

Шулардан келиб чиқиб, юқорида номи айтиб ўтилган қонун билан Оила кодекси ҳамда “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Эндиликда ижтимоий аҳамияти катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ҳамда фарзандликка олишга тўсқинлик қилмайдиган жиноят турларини содир этиб, жазо муддатини ўтаганларга нисбатан фарзандликка ва васийликка олиш имконияти яратиляпти. Хусусан, қасддан жиноят содир этган шахсларга қилмишининг ижтимоий хавфлилиги даражасига қараб фарзандликка олишни тақиқлаш қоидаси жорий этилмоқда. Оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни содир этган шахсларга фарзандликка олиш тақиқланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши билан бола ҳуқуқлари ҳимояси тўлақонли таъминланишига эришилади.

### Туризмни молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Сенатига киритилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил биринчи ярмидаги ижроси юзасидан Молия вазирлиги мутасаддилари ахборотлари эшитилди. Унда қўмита аъзолари ташқи сиёсат фаолияти учун кўзда тутилган харажатларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш, хорижий инвесторлар учун шароит яратиш, зарур инфратузилмани шакллантиришга ҳамда ҳозирги пандемиядан кейин туризм соҳаси тикланишини тезлаштириш чораларини молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратди.

Мажлисда октябрь ойида “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг компания инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази раҳбариятининг юртимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга риоя қилинишининг ҳолатига доир ахборотларини эшитиш режалаштирилгани ва бу борада қўмита олдида турган вазифалар ҳам чуқур таҳлил қилинди.

***Йиғилишларда кўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.***

**«Халқ сўзи».**

ЭЪЛОНЛАР


## Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc) да 2022 йил учун давлат маблағлари ҳисобидан ўқишга қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

| Таянч докторантура (PhD) (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун) | |
|---|---|
| 02.00.07 | Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллар кимёси ва технологияси — 4 ўрин |
| 01.04.06 | Полимерлар физикаси — 2 ўрин |
| 02.00.15 | Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси — 2 ўрин |
| 05.02.01 | Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси — 4 ўрин |

| Докторантура (DSc) (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун) | |
|---|---|
| 02.00.07 | Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллар кимёси ва технологияси — 2 ўрин |
| 05.02.01 | Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси — 2 ўрин |

**Таянч докторантура (PhD) ва докторантурага (DSc) талабгорлар www.phd.mininnovation.uz сайтида электрон рўйхатдан ўтгач, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

- ариза;
- паспорт нусхаси;
- маълумотнома (объективка);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси магистратура дипломи, фан номзоди ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- докторантурага кирувчилар учун номзодлик (ёки PhD) дипломининг нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- илмий раҳбарнинг розилик хати;
- тадқиқот мавзуси бўйича докторлик диссертацияси режасининг тўлиқ лойиҳаси;
- илмий журналларда эълон қилинган илмий мақолалар ҳамда тезислар рўйхатининг 3.4-шакли иш жойидан тасдиқланган ҳолда (камида: докторантура (DSc)га талабгорлар учун 3 та мақола, 2 та тезис; таянч докторантура (PhD) га талабгорлар учун 1 та мақола, 2 та тезис) ва уларнинг нусхалари.

Таянч докторантура (PhD)га қабул имтиҳонлари рўйхати:

- мутахассислик;
- чет тили.

**Докторантурага (DSc) талабгорлар суҳбатдан ўтказилади.**

Ҳужжатлар онлайн тарзда 2021 йил 15 октябргача қабул қилинади.

**«Фан ва тараққиёт» ДУК манзили: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7-«А» уй. Телефонлар: 71-246-39-28, 71-246-83-21.**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

2022 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига

**07.00.04** — Диншунослик.
**19.00.07** — Дин психологияси.
**24.00.01** — Ислом тарихи ва манбашунослиги.
**24.00.02** — Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик.
**24.00.03** — Фиқҳ, калом илми. Илоҳиёт.
**24.00.04** — Мумтоз Шарқ адабиёти ва манбашунослиги

ихтисосликлари бўйича **таянч докторантура (Phd) ва докторантура (DSc)га танлов асосида қабул эълон қилади.**

**Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

*Таянч докторантура, стажёр-тадқиқотчилик институтига:*

— ариза;
— маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
— Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхаси.

*Докторантурага:*

— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

**Ҳужжатлар 2021 йилнинг 15 октябригача http://www.phd.mininnovation.uz сайтида қабул қилинади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй. Мурожаат учун телефон: 71-244-00-56. Факс: 71-244-00-65.**

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 31 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6